## ШАРТНОМА № 462 -М

Тошкент ш. «10» 12 2021 й.

**“Аккредитация маркази” ДУК** (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи директор ўринбосари З.Н. Ахмедов бир томондан, **“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан N.03-01/02-147 асосида фаолият кўрсатувчи НМЗ ИЧБ директори У.Н. Рахматов иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидаги мазмунда тузидилар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартномага асосан қуйида келтирилган ишлар бўйича буюртмачи топшириш, бажарувчи эса кўрсатилган ишларни бажариш мажбуриятини олади:

- Заводнинг марказий лабораториясига қарашли "Канат синов станцияси" синов лабораториясини техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш (кейинги ўринларда "Маъқуллаш" деб аталади).

### 2. ИШЛАРНИ НАРХИ ВА ҲИСОБЛАШИШ ТАРТИБИ

2.1 Шартноманинг умумий қиймати:

| Т/р | Товар (иш, хизмат)лар номи | Ўлчов бирлиги | Миқ-дори | Нархи | Кўрса-тиладиган хизмат қиймати | ҚҚС | | Хизмат кўрсатишнинг ҚҚСни хисобга олган холдаги қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Ставкаси | Суммаси | |
| 1 | Заводнинг марказий лабораториясига қарашли "Канат синов станцияси" синов лабораториясини техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш мақсадида баҳолаш ўтказиш | киши/кун | 3,9 | 813 835,00 | 3 173 956,50 | 15% | 476 093,48 | 3 650 049,98 |
| 2 | Жойнинг ўзида баҳолаш харажатларини қоплаш:<br>- йўл харажатлари; | киши | 2 | 253 913,04 | 507 826,08 | 15% | 76 173,91 | 583 999,99 |
| | - турар жой харажатлари | кун | 1 | 480 000,00 | 480 000,00 | 15% | 72 000,00 | 552 000,00 |
| | **Жами** | | | | **4 161 782,58** | | **624 267,39** | **4 786 049,97** |

**Жами шартнома суммаси:** тўрт миллион етти юз саксон олти минг қирқ тўққиз сўм, 97 тийин.

2.2. Мазкур Шартномага мувофиқ Бажарувчи ҳисоб рақамига, Буюртмачи томонидан тасдиқланган калькуляция бўйича тўлов тўлаши лозим.

2.3. Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, тўлов Маъқуллаш объекти томонидан 100 фоиз миқдорида нақдсиз тўлов шаклида, Шартнома томонлар имзоланган кундан бошлаб 15 (ўн беш) иш куни ичида Марказнинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### 3. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ, ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Буюртмачи ишларни бажариш учун бажарувчига қуйидаги ҳужжатларни топширади:

- Шартнома, мурожаатнома, ўрнатилган тартибда тайёрланган ҳужжатлар мажмуаси;

3.2. Буюртмачи томонидан 2.1. бандга асосан тўловлар амалга оширилиб, 3.1. бандга асосан ҳужжатлар топширилган вақтдан бошлаб 5 иш кунида буюртмачи лабораториясида баҳолашни ўтказиш учун Бажарувчи баҳолаш комиссиясини шакллантиради.

3.3. Шартнома бўйича ишлар якунлангач, «Бажарувчи» қилинган ишларни «Буюртмачи»га топширади ва бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тузади, ҳисоб-фактураларни Марказ томонидан “Бажарилган ишлар далолатномаси” (кейинги матнларда - далолатнома) имзоланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сон қарорга асосан электрон шаклда расмийлаштириб тақдим этади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1.Ушбу шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тўлиқ бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 й. 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бошқа амалдаги ҳужжатларида кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.

### 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Тарафлар ўртасида мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафлар келишуви билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судда ҳал қилинади.

### 6. ФОРС-МАЖОР ВАЗИЯТЛАР

6.1. Томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун жавобгарликка тортилади, агарда бу мазкур шартнома тузилгандан сўнг, томонлар кўзда тутиши, оқилона чоралар билан олдини олиши мумкин бўлмаган, ва Томонлар ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажариш бўйича ўзларига боғлиқ барча чораларни кўрган, фавқулодда характердаги ҳодисалар натижасида содир бўлган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) билан боғлиқ вазиятлар оқибатида юзага келганлигини исботламаса. Форс-мажор вазиятларга хусусан: уруш ҳаракатлари, табиат кучлари таъсири (зилзилалар, сув тошқини, ва х.к.), давлат органларининг қарорлари киради.

6.2. Форс-мажор вазиятлар бошланганлиги ҳақида Томонлар улар бошланган пайтдан бошлаб 5 (беш) иш куни давомида бир-бирини хабардор қилиши керак.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 2022 йил 31 март кунига қадар амал қилади.

9.2. Шартнома юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади ва томонларнинг хар бирига бир нусхадан берилади.

## 10. ТОМОНЛАРНИ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

| **Бажарувчи: “Аккредитация маркази” ДУК** | **Буюртмачи: “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси** |
|---|---|
| Манзил: 100170, Тошкент ш, Мустақиллик шох кўчаси, 105 уй | Манзил: Навоий шаҳар, Инспекторлар кўчаси-5 |
| Телефон: (78) 113-01-11 | Телефон: 79-227-64-88; 79-227-6423 |
| **Банк реквизитлари:** | **Банк реквизитлари:** Нац.Банк.ВЭД РУз.г.Навоий |
| Х/р: 2021 0000 0008 7147 9001 | Х/р: 20210000 4053 9837 2006 |
| АИТБ “Ипак Йули” Сағбон филиали | |
| МФО: 01036, | МФО: 00196 |
| ИНН: 305478484, | ИНН: 308425864 |
| ОКЭД: 72190 | ОКЭД: 24410 |

Директор ўринбосари:

_______________ З.Н.Ахмедов
(имзо)

М.Ў.

Буюртмачи корхона раҳбари:

_______________
(имзо)

М.Ў.

Директор ўринбосари

бухгалтерия.

юр. бюро.

бак. ЦЗЛ Коноплов Ж.М.

*«10» 12 2021 йилдаги*
*№ 462 - М шартномасига Илова*

# Нархни белгилаш учун келишув
# БАЁННОМАСИ

Заводнинг марказий лабораториясига қарашли "Канат синов станцияси" синов лабораториясини техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш мақсадида баҳолаш ўтказиш

«10» 12 2021 йилдаги № 462- М шартномасига асосан

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Бажарувчи **“Аккредитация маркази” ДУК** бир томондан ҳамда **“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ “Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси** бошқа томондан, томонлар ўртасида ишни бажариш учун шартнома нархини ўзаро келишилган ҳолда белгилаб олинганлигини маълум қиламиз.

| № | Товар (иш, хизмат)лар номи | Кўрсатиладиган ишлар қиймати |
|---|---|---|
| 1 | Заводнинг марказий лабораториясига қарашли "Канат синов станцияси" синов лабораториясини техник жиҳатдан малакалилигини маъқуллаш мақсадида баҳолаш ўтказиш | 3 650 049,98 |
| 2 | Жойнинг ўзида баҳолаш ҳаражатларини коплаш:<br>- йўл ҳаражатлари;<br>- турар жой ҳаражатлари | 1 135 999,99 |
| | **Жами:** | **4 786 049,97** |

Жами шартнома суммаси: тўрт миллион етти юз саксон олти минг қирк тўққиз сўм, 97 тийин.

Мазкур баённома **Бажарувчи** ҳамда **Буюртмачи** ўртасидаги ўзаро ҳисоб китобларни олиб бориш учун асос бўла олади.

**Бажарувчи:**

_______________ З.Н.Ахмедов
(имзо)

**Буюртмачи:**

_______________
(имзо)